

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**432 Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш орган-
лари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272*

(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бую-
раман:**

1. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ва Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъзов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 сентябрь,
222-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2011 йил 30 сентябрдаги
222-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш
органлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда ФХДЁ органлари деб юритилади) фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

I. Умумий қоидалар

1. ФХДЁ органлари тизимини туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари, Никох уйлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия бошқармалари деб юритилади) ФХДЁ архивлари ташкил қилади.

2. ФХДЁ органларини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

ФХДЁ органлари юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

ФХДЁ органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уларни назорат қилиш Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

3. ФХДЁ органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. ФХДЁ органи Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ФХДЁ органи номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

5. ФХДЁ органларининг фаолияти қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилишини ва уларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни сир тутиш тамойилларига асосланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш муносабати билан ходимга маълум бўлиб қолган ҳолатлар хизмат сири ҳисобланиб, улар ошкор этилиши ёки эълон қилиниши мумкин эмас.

II. ФХДЁ органларининг вазифаси ва функциялари

6. ФХДЁ органларининг вазифаси фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш йўли билан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишдир.

7. ФХДЁ органлари уларга юклатилган вазифага мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг ҳисобини юритиш;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини ва бошқа ҳужжатларни белгиланган муддатда сақлаш;

фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари қайд қилинганлиги ҳақида гувоҳномалар, зарур ҳолларда такрорий гувоҳномалар, далолатнома ёзувларидан нусхалар ва маълумотномалар бериш;

фуқароларнинг (ўзларига нисбатан тузилган далолатнома ёзувлари бўйича) аризалари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа манфаатдор органларнинг ёзма сўровномаларига кўра далолатнома ёзувларидан нусхалар ёки улардан кўчирмалар ва маълумотномалар бериш;

катъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳнома бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва бу ҳақда белгиланган муддатларда ҳисоботлар топшириб бориш;

белгиланган шакллар бўйича статистик ҳисоботларни юритиш ва топшириб бориш;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг электрон маълумотлар базасини юритиш;

муружаатларни белгиланган муддатларда ва тартибда кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

фуқароларни қабул қилиш;

оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари юзасидан ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

8. ФХДЁ бўлимлари мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган функциялардан ташқари:

фуқаролик ҳолати далолатномалари (туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим)ни қайд этади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тиклайди ва бекор қилади;

шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини раислари (оксоқоллари)нинг ўлимни қайд этишдаги ишини назорат қилган ҳолда уларга амалий ёрдам кўрсатади, гербли гувоҳномаларнинг талаб даражада сақланиши ва сарфланиши чораларини кўради;

фуқароларнинг хоҳишига кўра никоҳни ва туғилганликни тантанали равишда қайд этади.

9. Никоҳ уйлари мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган функциялардан ташқари никоҳни қайд этади, шу жумладан тантанали равишда.

10. ФХДЁ бўлимлари ва Никоҳ уйлари фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади.

III. ФХДЁ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. ФХДЁ органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фуқаролар ва ташкилотлардан фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ФХДЁ соҳасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва адлия бошқармаларига ва Адлия вазирлигига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган ФХДЁ органлари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пулли хизматлар рўйхатларига мувофиқ фуқароларга пулли хизматлар кўрсатиш.

12. ФХДЁ органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

13. ФХДЁ органлари:

фуқароларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш вақтида фуқаролар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши;

қонун ҳужжатларига зид бўлган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишни рад қилиши;

архив фондини юритиши ва сақлаши;

Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг топшириқларини бажариш ва уларга ФХДЁ органлари фаолиятига оид масалалар юзасидан маълумотлар тақдим қилиши;

ФХДЁ органларининг фаолияти юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот бериши шарт.

14. ФХДЁ органлари зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

IV. ФХДЁ органлари фаолиятини ташкил этиш

15. ФХДЁ органи раҳбари (туман ва шаҳар ФХДЁ бўлими мудир, Никоҳ уйи мудир, адлия бошқармалари ФХДЁ архиви мудир) лавозимига қуйидаги талабларга жавоб берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланиши мумкин, мазкур Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно:

йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган;

олий юридик маълумотга эга бўлган;

юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик, шу жумладан ФХДЁ органида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган.

ФХДЁ органи раҳбарлигига номзод бўлган шахс қоида тариқасида ФХДЁ органи раҳбарлигига захирада турган бўлиши лозим.

16. Мазкур Низомнинг 15-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошисида назарда тутилган талаблар Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларида ФХДЁ органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишлаган ёки ишлаб келаётган ходимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

17. ФХДЁ органи раҳбари адлия бошқармалари раҳбарлари томонидан Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

18. ФХДЁ органи раҳбари лавозимига қўйиладиган талабга жавоб берадиган номзод топилмаган тақдирда, ушбу лавозимга адлия бошқармаси раҳбарининг асослантирилган тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда юридик мутахассислик бўйича камида ўрта махсус маълумотга ва ФХДЁ органида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

19. ФХДЁ органи раҳбари:

ФХДЁ органи фаолиятини ташкиллаштиради, режалаштиради, Адлия вазирлиги, адлия бошқармаларининг топшириқларини белгиланган муддатларда ва сифатли ижро этилишини таъминлайди;

катъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномалар бланкаларининг белгиланган тартибда ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланишини таъминлайди; гербли муҳр ва штампларнинг бут сақланишини таъминлайди;

фуқароларнинг қабулини ташкил қилади;

хизмат сири ҳисобланган маълумотларни ФХДЁ органлари ходимлари томонидан ошкор этилмаслиги чораларини кўради;

ФХДЁ органлари ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига ҳамда ички тартиб қоидаларга риоя этилишини назорат қилади;

ФХДЁ органи ходимларини рағбатлантириш ёки уларга интизомий чоралар кўриш ҳақида адлия бошқармаларига таклифлар киритади;

ФХДЁ органи ходимларидан ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун белгиланган тартибда тушунтириш хатлари олади;

бўш (вакант) ўринларни тўлдириш бўйича адлия бошқармаларига таклифлар киритади.

20. ФХДЁ бўлими ва Никоҳ уйи мудирлари мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилганлардан ташқари:

никоҳни қайд этишда узрли сабаблар бўлганида аризачиларнинг илтимосларига кўра қонунда белгиланган бир ойлик муддатни қисқартиради ёки узайтиради;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш дафтарлари ва бошқа ҳужжатларнинг юритилиши ва рўйхатга олинишини назорат қилади;

никоҳни ва туғилганликни тантанали равишда қайд этиш учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўради;

фуқаролик ҳолати далолатномалари ўз вақтида тўғри ва тўлиқ тўлдирилишини таъминлайди.

21. ФХДЁ органи раҳбари ФХДЁ органига юклатилган вазифа, функциялар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

22. ФХДЁ бўлими ва Никоҳ уйи мудирлари вақтинча бўлмаган ҳолларда (меҳнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) уларнинг вазифаларини бажариш тегишли мансаб йўриқномасига мувофиқ адлия бошқармаси раҳбарининг буйруғи билан 1-тоифали инспекторлар ёки бошқа ходимлар зиммасига юклатилади.

Адлия бошқармаси ФХДЁ архиви мудир вақтинча бўлмаган ҳолларда (меҳнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) унинг вазифасини бажариш тегишли мансаб йўриқномасига мувофиқ адлия бошқармаси раҳбарининг буйруғи билан архивариус ёки бошқа ходим зиммасига юклатилади.

23. ФХДЁ органининг 1-тоифали инспектори лавозимига олий юридик маълумотга ва 2-тоифали инспектори ёки архивариус лавозимига юридик мутахассислик бўйича, қоида тарикасида, ўрта махсус маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади.

24. ФХДЁ органининг 1-тоифали инспектори лавозимига олий юридик маълумотли номзод топилмаган тақдирда, ушбу лавозимга адлия бошқармаси раҳбарининг асослантирилган ҳулосасига мувофиқ юридик мутахассислик бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

25. Инспекторлар чиройли дастхатга эга бўлиши лозим.

26. 1 ва 2-тоифали инспектор ва архивариуслар бевосита адлия бошқармалари раҳбарлари томонидан мазкур Низомнинг 23 — 25-бандларида кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда тайинланади.

27. 1-тоифали инспектор вақтинча бўлмаган ҳолларда (меҳнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) унинг вазифасини 2-тоифали инспектор бажаради.

28. ФХДЁ органлари ходимлари ўзлари, эри ёки хотини ва болалари тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишга ёки уларга тегишли ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли эмас. Бунда, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари адлия бошқармасининг ёзма кўрсатмасига асосан бошқа ФХДЁ органида қайд этилади ва бу ҳақда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувининг белгилар устунига тегишли изоҳ киритилади.

29. ФХДЁ органи раҳбарлари ва инспекторлари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари тадбиркорлик ва бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

30. ФХДЁ органи раҳбарлари захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириб бориш Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. ФХДЁ органи ходимларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли мансаб йўриқномаларида белгилаб қўйилади.

ФХДЁ органи ходимларининг мансаб йўриқномаси адлия бошқармаларининг раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

V. ФХДЁ органларининг штатлар жадвали

32. ФХДЁ органларининг ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатиладиган тартибга мувофиқ белгиланади.

33. ФХДЁ органлари штатлар жадвали белгиланган штатлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида адлия бошқармалари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.